

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА
ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАРИНИ БЕРУВЧИ
PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

РАЖАБОВ ЗАКИР ПУЛАТОВИЧ

**МАВЗУ: “ХОРАЗМ ВИЛОЯТИНИНГ ЭКСТРЕМАЛ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ
ШАРОИТЛАРИГА МОС ИСТИҚБОЛЛИ “ХУРМА” ҒЎЗА НАВИНИ
ЯРАТИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА ЖОРИЙ ҚИЛИШ”**

06.01.05 – “Селекция ва уруғчилик” ихтисослиги бўйича диссертация
химоясиз селекция ютуғи (ихтиро патенти) асосида қишлоқ хўжалиги
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш

ТАҚДИМОТИ

**Илмий рахбар:
биология фанлари доктори**

А.А.Азимов

Тошкент – 2021 й.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Техник экинлар ичида энг қимматлиси ғўза экини ҳисобланади. У асосан толаси учун етиштирилади. Пахта толаси тўқимачилик саноатида энг кўп қўлланиладиган маҳсулот бўлиб, дунё бўйича ишлаб чиқариладиган толаларнинг тахминан ярмига тўғри келади. «Ғўза экини тахминан 1 млрд аҳоли учун даромад манбаи ҳисобланади»¹. «Дунё бўйича пахта хом-ашёсини етиштиришда етакчи ўринларни Хитой ва Ҳиндистон (умумий ишлаб чиқаришининг тахминан 23%), АҚШ (тахминан 16,5%), Бразилия (тахминан 8%) давлатлари эгаллайди, Ўзбекистон ўз навбатида дунё пахтасининг қарийб 3 фоизини ишлаб чиқаради»². Дунёда текстил саноати талабларига тўлиқ жавоб берадиган, турли биотик ва абиотик омилларга бардошли ғўза навларини яратиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Дунё олимлари ғўзанинг турли зараркунанда ва касалликларга чидамли, тола чиқими ва сифати юқори бўлган ҳамда механизация теримига мўлжалланган, турли тупроқ-иқлим шароитларга мос юқори ҳосилли навларини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб бормоқда. Шунга қарамадан сўнгги йилларда ноқулай об-ҳаво шароитлари, сув танқислиги ҳамда зараркунандалар билан боғлиқ муаммолар сабабли дунё бўйича пахта ишлаб чиқаришда пасайишлар кузатилмоқда. Буларни ечими сифатида олимлар селекциянинг инновацион усуллари, яъни маркерларга асосланган селекция (МАС) ва РНК — интерференцияси каби биотехнологик усулларни қўллаб кишлоқ хўжалиги соҳасида юқори натижаларга эришмоқдалар.

Республикамизда ғўза майдонларида асосан икки тур, ўрта толали (*Gossypium hirsutum* L.) ва ингичка толали (*G. barbadense* L.) ғўза турларига мансуб навлар етиштирилади. Ингичка толали ғўза навлари тола сифатининг юқори эканлиги билан ажралиб турса-да, бироқ, ушбу турга мансуб ғўза навлари иссиқ иқлимга мослашган ва фақатгина жанубий минтақаларимизда етиштирилади. Шу билан бирга, ҳосилдорлиги ва толасининг чиқими ҳам ўрта толали ғўза навлариникига нисбатан бирмунча пастдир. «Дунё пахта толаси улушининг 95 фоиздан юқори қисмини етказиб берувчи ўрта толали ғўза навлари ўзининг ҳосилдорлиги, тола чиқимининг юқорилиги билан бошқа турга мансуб ғўза навлардан ажралиб туради»³.

Республикамизда сўнгги йилларда кишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича кенг камровли ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сон “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси

¹ FashionUnited. Global fashion industry statistics. <https://fashionunited.com/global-fashion-industrystatistics/>

² <https://review.uz/post/xlopkovaya-konyunktura>

³ <https://mininnovation.uz/uz/news/2456>

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 июндаги 397-сон “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2020 йил 22 июндаги 398-сон “Пахта хом ашёсини етиштириш ва қайта ишлаш кооперациялари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 23 март куни Хоразм вилоятига ташрифи доирасидаги “Йўл харита”даги IV–“Қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш” бўлимида келтирилган “Хоразм вилоятида серҳосил, етиштириш муддати қисқа ва толаси сифатли бўлган янги пахта навини яратиш” ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқотлар муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V.“Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Янги навларни яратишда географик узоқ шаклларни дурагайлаш усулини истиқболлари бўйича республикамиз олимларидан З.Ю.Мақсудов, С.М.Мираҳмедов, В.А.Автономов, И.Т.Қаҳҳоров ва бошқалар кўп йиллик изланишлари натижасида муҳим маълумотларни олишган. Ўрта толали ғўза навлари таркибини ўрганиб, навлар ва турларни дурагайлаш, танлаш усулларини кўллаб С.М.Мираҳмедов – “Тошкент” гуруҳи навларини, О.Ж.Жалилов – “Юлдуз” ва “Меҳнат” навларини, А.Автономов – “С-6524”, “Наманган-77”, А.Баталов – “Бухоро-6”, С.Содиқов – “АН-Баёвут-2”, Ш.Намозов – “Султон” навини яратишган. Ғўза генетикаси ва селекциясининг назарий ҳамда амалий томонларини таҳлил қилишда навлараро дурагайлаш усулларидан О.Ж.Жалилов (1993, 1997), А.Эгамбердиев (1994), В.А.Автономов (2010, 2012), Ш.Намозов (2017), И.Т.Қаҳҳоров (2015, 2018) ва бошқалар кенг фойдаланишган. Натижада, ғўза навларининг генетик-селекцион имкониятлари аниқланган. Олиб борилган тадқиқотлар асосида кўпгина бошланғич шаклларнинг донорлик хусусиятлари, ғўзанинг генотип таркиби ва белгиларининг мослашувчанлик кўлами ёритилган. Мазкур илмий тадқиқотларнинг амалий натижалари асосида экстремал тупроқ-иқлим шароитларига мос IV типга эга ҳосилдорлиги юқори бўлган янги нав яратилиб ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Тадқиқот мавзусининг тадқиқот бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши Хоразм Маъмун академияси илмий-тадқиқотлари режалари билан боғлиқ бўлиб, № А8-ФА-0-28959 «Ғўза янги навини уруғини кўпайтириш ва тизмаларидан эртапишар, серҳосил IV тип сифатли тола берадиган, экстремал шароитларга бардошлисини танлаш ва уни рақобат синовидан ўтказиб, Давлат нав синовига топширишга тайёрлаш» (2012-2014 йй.), № ФА-А9-Т101 «Хоразм вилояти Хива тумани шароитида қимматли

хўжалик белгиларига кўра ушбу худудга мослашувчи, рақобатбардош ғўза навларини яратиш мақсадида селекция уруғчилик ишларини олиб бориш» мавзуларидаги амалий лойиҳалари доирасида бажарилган (2015-2017 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади ғўзанинг *G.hirsutum* L. туричи шакллариини жуфт дурагайлаш услуби билан ажратиб олинган популяцияларда олиб борилган мақсадли қайта танлаш йўли орқали яратилган селекцион ашёларни морфоҳўжалик белгилари кўрсаткичларининг авлодларда шаклланиши, барқарорлашуви ҳамда сақланиши жараёнларини ўрганиш асосида янги нав ва тизмалар яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ғўзанинг *G.hirsutum* L. туричи шакллариининг морфо-хўжалик белгилари кўрсаткичларини ўрганиш асосида бошланғич манбалар ажратиш;

жуфт дурагайлаш усуллариини қўллаш орқали яратилган F_1 авлод дурагайларида асосий морфо-хўжалик белгиларининг доминантлик кўрсаткичини аниқлаш;

селекция жараёни босқичларида ғўза навини Хоразм вилоятининг экстремал тупроқ-иқлим шароитидаги баҳолаш;

Хоразм вилоятининг оғир экстремал (шўрланган тупроқ, минераллашган ер ости сувлари, сув танқислиги, ўта юқори ҳаво ҳарорати) шароитларига мослашган, касалликларга чидамли, IV тип толага эга янги ғўза навларини яратиш.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академиясида ғўзанинг *G. hirsutum* L. турига мансуб районлаштирилган “АН-510” ва “Қирғиз-3” навларининг дурагай популяцияларидан танлаб олинган Л-15 тизмаси асосида узоқ йиллар давомида мақсадли қайта танлаш усулини қўллаш орқали яратилган нав ва намуналаридан фойдаланилган.

Тадқиқот предмети ғўза навининг ўсиб ривожланиши, морфологияси ва фенологияси, ўсув даври давомийлиги, ҳосилдорлигини, биометрик ва тола сифат кўрсаткичлари ҳамда навнинг қимматли хўжалик белгиларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотларни олиб боришда селекциянинг дурагайлаш, генетиканинг популяцион таҳлил усулларида, тола сифат кўрсаткичлари Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминлаш инспекцияси қошидаги “Агросаноат мажмуида хизмат кўрсатиш маркази” давлат унитар корхонасида замонавий HVI (High Volume Instrument) қурилмасида аниқланган, статистик таҳлиллар эса “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари (2007) асосида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор *G.hirsutum* L. турига мансуб географик узоқ навларни чатиштириш орқали экстремал тупроқ-иқлим шароитига мос, шунингдек, толаси сифати ҳамда чиқими юқори бўлган янги тизмалар яратилиб, бошланғич ашё сифатида фойдаланилган;

селекцион уруғчилик ишлари натижасида ғўзанинг янги нави популяцияси фенотипик барқарорлаштирилган;

уруғлик чигити сифат кўрсаткичлари - O'zDSt 633:2006; морфоҳўжалик белгилари софлиги - O'zDSt 1110:2006 ва толасининг сифат кўрсаткичлари - O'zDSt 604:2001 талабларига жавоб берадиган даражага келтирилган;

ғўзанинг Л-15 тизмаси асосида Хоразм вилоятининг экстремал тупроқ-иқлим шароитига мос, тола сифати ва тола чиқими юқори бўлган янги “Хурма” нави яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Хоразм вилоятининг экстремал тупроқ-иқлим шароитига мос, тезпишар, районлашган навларга нисбатан ҳосилдор, тола чиқими юқори, тола сифати IV-типга мансуб ўрта толали ғўзанинг “Хурма” ғўза навига №NAP 0026 рақамли патенти олинган;

тадқиқот натижалари асосида ғўзанинг қимматли хўжалик белгилари ва кўрсаткичлари юқори, назорат “Хоразм-127” навига нисбатан 2-3 кунга тезпишар, ҳосилдор, тола сифати IV типга мансуб толаси чиқими юқори (38-40 %). Хурма ғўза навини экиш орқали гектаридан 38,7-40,0 центнергача пахта ҳосили етиштирилиши мумкинлиги исботланган;

яратилган янги ғўза нави 2017-2020 йилларда жами 46,5 га майдонларда, жумладан ПСУЕАИТИ Хоразм илмий тажриба станциясида, Хоразм вилоятининг Хонқа, Урганч ва Хива туманлари фермер хўжаликларида экилган ҳамда уруғларини кўпайтириш ишлари амалга оширилган;

“Хурма” навини етиштириш жараёнида назорат навга нисбатан гектаридан ўртача 3,4 центнер атрофида юқори ҳосил олинишга эришилган. Натижада, тола ҳосилдорлиги юқори ва сифати IV-типга мансуб бўлган Хурма навини етиштириш эвазига майдон бирлигидан олинган иқтисодий самарадорлик иқтисодий самарадорлик 1,65 млн. сўм/ га ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўтказилган дала ва лаборатория тажрибалари ҳар йили Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий-ишлаб чиқариш маркази томонидан олиб борилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги ва бирламчи ҳужжатларнинг мавжудлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келиши, илмий-тадқиқот ишлари математик-статистик таҳлил қилинганлиги, тадқиқот натижалари республика, халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, илмий нашрларда чоп этилганлиги ҳамда натижалари амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти *G.hirsutum L.* тури ичида навларни жуфт чатиштириш услуби орқали яратилган дурагайларни ўрганиш асосида ажратиб олинган Л-15 тизмасида морфоҳўжалик белгилари кўрсаткичларини шаклланиши, ўзгарувчанлиги, наслдан-наслга ўтиши даражаси, фенотипик намоён бўлиши жараёнларининг тадқиқ қилинганлиги билан ифодаланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жуфт дурагайлаш ва кўп марта танлаш асосида қимматли-хўжалик белгилари ва тола узунлиги юқори, ҳосилдор ҳамда Хоразм вилоятининг экстремал шароитларига мос ғўзанинг янги “Хурма” нави яратилганлиги, шунингдек республикамизнинг ғўза етиштирувчи фермер хўжаликлари ва агрокластерлар учун истиқболли навлар қаторига киритилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм вилоятининг экстремал тупроқ-иқлим шароитларига мос истиқболли ғўза навини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида:

Хоразм вилоятининг экстремал шароитларига мос истиқболли “Хурма” ғўза нави яратилган ва Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан NAP 00261 рақамли патенти олинган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3855-сон қарори асосида тижоратлаштирилиши лозим бўлган ишланмалар рўйхатига киритилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 27 мартдаги 02/020-1323-сон маълумотномаси). Натижада навнинг ҳудуд экстремал шароитларга мослиги, кўшқатор усулда экиш учун ихчам тупга эғалиги, тола сифати майинлиги ва назорат навига нисбатан 3,0-3,5 ц/га юқори ҳосилдорлиги боис Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси учун истиқболли навлар рўйхатига киритилган;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 67-сон буйруғига асосан ПСУЕАИТИ Хоразм илмий тажриба станциясининг тажриба хўжалиги майдонларида ғўзанинг “Хурма” навининг уруғлик материалларини кўпайтириш учун 10 гектар майдонга экилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 27 мартдаги 02/020-1323-сон маълумотномаси). Натижада гектаридан 36,2 центнер ҳосил олинган;

“Хурма” нави 2019 йилда Урганч туманидаги “Фаррух” фермер хўжалигида 12,3 гектар, 2020 йилда 8,2 гектар майдонга экилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 27 мартдаги 02/020-1323-сон маълумотномаси). Натижада гектаридан 2019 йил гектаридан 39,3 центнер, 2020 йилда 38,9 центнер ҳосил олинган;

2019 йилда Хонқа туманидаги “Солай Якубов” уруғларни дастлабки кўпайтириш элита уруғчилик фермер хўжалигида 3,1 гектар, 2020 йилда 3,5 гектар майдонга экилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 27 мартдаги № 02/020-1323-сон маълумотномаси). Натижада гектаридан 2019 йил гектаридан 38,7 центнер, 2020 йилда 39,0 центнер ҳосил олинган;

2019 йилда Хива туманидаги “Хива Хурмат” фермер хўжалигининг 3,6 гектар, 2020 йилда 3,3 гектар ер майдонида жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 27 мартдаги 02/020-1323-сон маълумотномаси). Натижада гектаридан 38,7 центнер ҳосил олиниб, иқтисодий самарадорлик гектарига 1,75 млн сўмни ташкил этган;

Ѓўзанинг “Хурма” нави Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси учун истиқболли навлар рўйхатига киритилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 27 мартдаги № 02/020-1323-сон маълумотномаси). Натижада ушбу навнинг ҳосилдорлиги назорат “Хоразм-127” ғўза навига нисбатан 3,0-3,5 ц/га юқори, тола сифати майинлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат таъминоти илмий ишлаб чиқариш Марказининг апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланган ҳамда тадқиқот натижалари бўйича 2 та, жумладан 1 та ҳалқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси натижалари бўйича жами 6 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола чоп қилинган.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Сўнги йилларда олимларимиз томонидан кўш дурагайлаш йўли билан яратилган ўрта толали ғўзанинг янги оила ва тизмаларида қимматли хўжалик белгиларини филогенетик жиҳатдан барқарорлаштириш, мураккаб дурагайлаш усулида яратилган ашёларни генетик-селекцион жараёнларга татбиқ қилиш асосий масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада янги яратилган навлар Давлат нав синов тармоқларида ўрганишлар натижасида объектив баҳоланиб, назоратга нисбатан юқори натижаларни қайд қилганлари ишлаб чиқаришга татбиқ қилиниши таъминланган.

Селекция ютуғи ғўзанинг “Хурма” навини қисқача тавсифи. Навнинг биологик белгилари



Ѓўзанинг ўрта толали (*Gossypium hirsutum* L.) тур хилига мансуб, ўсув даври 117-124 кун. Ўсимлик бўйи 114-118 см, пояси яшил, ўртача тукланган.

Ўсув шохлари 0-1 га. Ҳосил шохи 1,0-1,5 типга мансуб бўлиб, биринчи ҳосил шохи 4-5 бўғинда жойлашади. Пояси йўғон, ётиб қолмайди. Барглари ўртача катталиқда, кучсиз тукланган, яшил рангда. Гули оқ сарғиш рангда бўлиб, гул чангчилари оқ сарғиш, кўсаклари ўртача катталиқда овалсимон шаклда, учсиз, яшил рангда, 4-5 чаноқли, етилганда эркин очилади, чигити ўртача катталиқда тухумсимон, ўртача тукли, кулранг; пахтаси тўкилиб кетмайди. Толаси оқ рангда бўлиб, битта кўсакдаги пахта вазни 6,0-6,5 г, тола чиқими 37-39%,

тола узунлиги 35,2-35,6 мм, тола пишиқлиги 4,4 г.к., тола майинлиги 6100-6400 мн, толани узилиш узунлиги 33,6 г.к/текс, микронейри 4,6 га тенг, толанинг ўртача дюйм узунлиги 1,22 ни ташкил этади. Чигити ўртача катталиқда, овалсимон шаклда, 1000 дона чигит вази 120-126 г. Толаси IV-типга эга бўлиб, саноатбоплиги билан жаҳон стандартлари талабларига жавоб беради. Гектаридан 38,7-40,0 центнергача ҳосил олиш мумкин.

1-жадвал

Вўзанинг “Хурма” навини келиб чиқиши

№	Кўчатзорлар номи	Йиллар
1	АН-510 х Қирғиз-3	2002 йилда.
2	F ₁ - F ₄	2003-2007 йилда.
3	Якка танлаш F ₅	2008 йилда.
4	№ Д-015. Селекция кўчатзори	2009 йилда.
5	№ Д-18-03. Назорат синови кўчатзори	2010 йилда.
6	“Хурма” нави нав танлов кўчатзори	2011-2013 йилда
7	“Хурма” нави ДНС га топширилган	2014 йилда
8	“Хурма” нави ДНС да	2015-2018 йилда
9	“Хурма” навига патент олинди	2020 йил



Бундан ташқари ғўза навларини яратишда вегетация даврида ривожланиш фазаларини бир текисда ўтиши, айниқса экин майдонидаги ўсимликларни бир вақтда етилиши, гуллаш даври 25-28 кун давом этадиган, барглари ўртача катталиқда, беш бўлаккли, гултожибаргининг ранги оқ-сарғиш, гулкоса баргининг шакли тишсимон, тишчалар сони 10-15 тани ташкил қилади. Кўсагининг катталиги ўртача ва думалоқ шаклда. Чигити ўртача катталиқда, тухумсимон, ўртача даражада тукланган ва кул ранг. Хоразм вилоятининг экстремал тупроқ-иқлим (шўрланган тупроқ, минераллашган ер ости сувлари, сув танқислиги, ўта юқори ҳаво харорати)

шароитларига мос ҳисобланади.

“Хурма” нави Хоразм Маъмун академиясида яратилган.

Келиб чиқиши: “АН-510” х “Қирғиз-3” навларини чатиштириш ва дурагайдан танлов орқали келиб чиққан.

Экиш меъёри: Гектарига 50-60 кг/га унувчан уруғ ҳисобида белгиланган.

Экиш муддати: Апрель ойининг 2-3 декадасигача белгиланган.

Озиқлантириш гектарига соф ҳолда азот ўғитларининг йиллик меъёри гектарига 285 кг, вегетация давомида 3 марта бўлиб (35% уруғ экишдан олдин, 37 % чинбарг фазасида ва 28 % гуллаш фазасида) берилади. Фосфорли ўғитлар жами 230 кг, шундан экиш олдидан 60 фоизи, чинбарг фазасида 40 фоизи берилади.

2-жадвал

Урганч тумани “Фаррух” фермер хўжалигида “Хурма” навининг қимматли хўжалик ва биологик хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	“Хурма”			Ўрта ча	“Хоразм-127”			Ўрта ча
		2016	2017	2018		2016	2017	2018	
Ҳосилдорлик	ц/га	39,3	38,8	39,2	39,1	36,2	35,3	36,5	36,0
Ўсимлик бўйи	см	115	113	117	115	116	114	121	117
Ўсув даври	кун	123	118	122	121	122	117	118	119
Битта кўсакда-ги пахта оғирлиги	г.	6,1	6,3	6,1	6,2	5,8	6,0	6,0	5,9
1000 дона чигит оғирлиги	г.	111	104	114	110	105,8	107,4	104,5	105,9
Тола узунлиги	мм.	33,4	33,3	35,1	34,0	28,5	29,0	31,8	29,7
Тола чиқими	%	39,4	41,1	38,3	39,6	39,0	37,4	38,5	38,3

2-жадвал маълумотларига кўра, Урганч тумани “Фаррух” фермер хўжалигида “Хурма” навининг ҳосилдорлиги назорат нави “Хоразм-127” билан солиштириб ўрганилганда 2016 йилда 3,1 ц/га, 2017 йилда 3,5 ц/га, 2018 йилда 2,7 ц/га ва шу йиллар мобайнида ўртача 3,1 ц/га юқори бўлиб, ўртача ҳосилдорлик 39,1 ц/га эканлиги кузатилди. 2016-2018 йилларда ўсимлик бўйи 113-117 см оралиғида бўлиб, ўртача 115 см ни ташкил қилди. “Хурма” навининг ўсув даври 118-123 кун оралиғида бўлиб, ўртача 121 кунни ташкил этганлиги аниқланди. Бир кўсакдаги пахта оғирлиги уч йил давомида ўртача 6,2 бўлиб ± 0,2 граммга ўзгариб, назорат навиға нисбатан ўртача +0,3 граммга юқори эканлиги кузатилди. 1000 дона чигит оғирлиги бўйича уч йил давомида ўртача 110 грамм бўлиб, назорат навиға нисбатан 4,1 грамм устун бўлди. Тола узунлиги кўрсаткичи бўйича 33,3 ва 35,1 мм атрофида тебраниши кузатилди. Тола чиқими бўйича уч йиллик маълумотлар натижасига кўра ўртача 39,6 % бўлиб, назорат навидан 1,3 % га юқори натижани кўрсатди.

3-жадвал

Хонқа туманидаги “Солай Якубов” фермер хўжалигида “Хурма” навининг қимматли хўжалик ва биологик хусусиятлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	“Хурма”			Ўрта ча	“Хоразм-127”			Ўрта ча
		2016	2017	2018		2016	2017	2018	
Ҳосилдорлик	ц/га	38,2	38,7	39,5	38,8	35,7	36,1	35,9	35,9
Ўсимлик бўйи	см	116	114	118	116	115	117	120	117,3
Ўсув даври	кун	124	117	121	121	122	116	117	118,3
Битта кўсакдаги пахта оғирлиги	г.	6,3	6,1	6,3	6,2	6,0	5,8	6,0	5,9
1000 дона чигит оғирлиги	г.	110	104	114	109	107,8	108,4	108,5	108,2
Тола узунлиги	мм.	33,3	33,4	35,1	34,0	29,0	28,5	30,8	29,4
Тола чиқими	%	39,8	41,1	40,5	39,6	39,0	38,5	37,4	38,3

3-жадвал маълумотларига кўра, Хонқа туманидаги “Солай Якубов” фермер хўжалигида “Хурма” навининг ҳосилдорлиги назорат нави “Хоразм-127” билан қиёсий ўрганилганда 2016 йилда 2,5 ц/га, 2017 йилда 2,6 ц/га, 2018 йилда 3,6 ц/га, ўртача 2,9 ц/га юқори эканлиги кузатилди. 2016-2018 йилларда ўсимлик бўйи 114-118 см оралиғида тебраниб, ўртача 116 см ни ташкил қилди. “Хурма” навининг ўсув даври 117-124 кун оралиғида бўлиб, ўртача 121 кунни ташкил қилди. Бир кўсақдаги пахта оғирлиги кузатув йиллари давомида ўртача 6,2-6,4 граммни ташкил қилиб, назорат навига нисбатан ўртача 0,4-0,7 граммга юқори эканлиги аниқланди. 1000 дона чигит вазни бўйича тадқиқот давомида ўртача 122-126 грамм бўлиб, назорат навига нисбатан 8-11 граммга юқори эканлиги аниқланди. Тола узунлиги кўрсаткичи бўйича 33,3 ва 35,1 мм атрофида бўлиб, ўртача 34,0 мм ни ташкил қилди. Тадқиқот йиллари давомида “Хурма” навининг тола чиқими ўртача 40,5% бўлиб, назорат навидан 2,1% га юқори эканлиги аниқланди.

Хонқа тумани “Салай Якубов” фермер хўжалигида етиштирилган “Хурма” нави “Хоразм-127” назорат нави билан сифат кўрсаткичлари бўйича НҮИ тизимида солиштирилиб ўрганилди (4-жадвал).

4-жадвал

“Хурма” нави толасининг технологик сифат кўрсаткичлари

Навлар	MIC	Len		Str	Unf	Rd	+b
		Дюйм	Мм				
Хоразм вилояти, Хонқа тумани “Солай Якубов” ф/х							
“Хурма”	4,8	1,11	28,2	29,9	83,7	81,7	8,4
“Хоразм- 127”	4,7	1,13	28,7	29,6	81,8	77,4	8,3
Хоразм вилояти, Урганч тумани “Фаррух” ф/х							
“Хурма”	4,0	1,25	31,7	31,1	84,5	80,8	7,2
“Хоразм- 127”	4,6	1,17	29,72	29,6	83,7	78,9	7,2

MIC – микронейр (1-2 навлар учун диапазони 3,5 – 4,9);

Len – юқори ўртача узунлик (1 дюйм – 25,4 мм);

Str – Солиштира узилиш кучи, (гк/текс);

Unf – бирхиллик индекси;

Rd – нур қайтариш коэффициенти, %;

+b – сарғишлик даражаси;

4-жадвалдан кўриниб турибдики “Хурма” навининг микронейри 4,8, юқори ўртача узунлик миқдори 28,2 мм., солиштира узилиш кучи 29,9 гк/текс., бирхиллик индекси 83,7 %, нур қайтариш коэффициенти 81,7 %, сарғишлик даражаси 8,4 ни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткичлар Урганч тумани “Фаррух” фермер хўжалигида етиштирилган “Хурма” нави “Хоразм-127” назорат нави билан сифат кўрсаткичлари бўйича НҮИ тизимида таққослаб ўрганилганда эса, микронейри 4,0, юқори ўртача узунлик миқдори 31,7 мм., солиштира узилиш кучи 31,1 гк/текс., бирхиллик индекси 84,5 %, нур қайтариш коэффициенти 80,8 %, сарғишлик даражаси 7,2 га тенг эканлиги аниқланди.

“Хурма” нави назорат навига нисбатан ҳосилдорлиги юқорилиги (38,2-40,0 ц/га), толасининг штапель узунлиги (34,5-35,0 мм), микронейри (4,3-4,5), толаси чиқими нисбатан юқорилиги (38-40 %) билан ажралиб туради. Навнинг уруғлик чигити уруғчилик ишлари натижасида кўпайтирилганда популяция ўсимликлари морфоҳўжалик белгилари, ҳосилдорлик ва толасининг сифати кўрсаткичлари бўйича ўзига хослигини сақлаб қолади.

2015-2018 йилларда “Хурма” нави Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказига қарашли 23 та нав синаш станция ва участкаларида синовдан ўтказилди (5-жадвал).

5-жадвал

Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказига қарашли нав синаш станция ва участкаларида синалган ғўзанинг янги “Хурма” навининг 2015-2018 йиллардаги КАРТОТЕКАСИ

№	Нав синаш участкалари	Синаш йиллари	Ҳосилдорлик ц/га		Ўсув даври, кун	Бир дона кўсакдаги пахта вазни, гр	Тола чиқими %
			пахта	тола			
1	2	3	4	5	6	7	9
“Хурма”							
1	Чимбой НСУ ст Чимбой 5018	2017	24,3	8,9	117	5,5	36,6
			8,8	-2,9	9	-0,2	0,8
2	Элликкальба НСУ ст Чимбой-5018	2015-2017	36,8	12,9	117	5,5	35,0
			1,8	1,9	5	1,9	1,4
3	Корақўл НСУ ст Бухоро-6	2016-2018	36,9	12,7	111	4,7	34,3
			-5,0	-1,8	-3	-1,9	-0,3
4	Жиззах НСС ст С-6524	2015-2017	33,6	11,6	104	4,9	34,6
			1,9	1,1	-1	0,3	1,2
5	Пахтакор НСУ ст С-6524	2017-2018	45,6	16,7		5,1	36,7
			2,6	2,0		-0,6	2,6
6	Карши НСУ ст Бухоро-6	2016-2018	31,8	11,1	125	4,3	34,9
			-5,5	-1,9	-1	-1,5	-0,1
7	Миришкор НСУ ст Бухоро-6	2016-2018	32,0	11,0	122	4,8	34,4
			-4,8	-1,6	-3	-1,1	0,2
8	Хатирчи НСС ст Бухоро-6	2015-2017	34,8	12,0	122	5,1	34,7
			-2,4	0,0	-5	-0,5	1,1
9	Мингбулок НСУ ст С-6524	2016-2018	38,0	12,6	120	5,1	33,2
			0,8	0,0	0	0,1	-0,7
10	Уйчи НСС ст С-6524	2015-2017	36,7	13,1	129	4,6	35,7
			-3,1	-0,6	3	-0,6	1,2
11	Самарқанд НСС	2015-2017	34,3	12,7	128	5,3	37,0

	ст Бухоро-102		-2,1	-0,5	-1	-0,7	0,6
12	Боёвут НСС ст С-6524	2015-2016	32,7	12,1	118	5,1	36,9
			-0,4	0,2	-3	-0,0	1,9
	ст Султон	2017	36,9	12,6	113	5,6	34,2
			0,7	0,3	1	-0,4	0,2
13	Оқолтин НСУ ст С-6524	2015-2016	31,0	11,2	125	5,5	36,0
			-1,1	-0,0	3	1,0	0,9
14	Девон НСУ ст Бухоро-102	2016-2018	26,0	9,4	117	5,1	36,0
			-2,0	-0,1	-2	-0,2	2,1
15	Шеробод НСУ ст Бухоро-6	2017-2018	34,1	11,6	120	5,0	34,0
			-3,5	-1,1	-1	-0,8	0,3
16	Чиноз НСС ст С-6524	2015- 2017	31,6	11,3	117	5,0	35,2
			-3,3	-1,1	-3	-0,3	-0,2
17	Пискент НСУ ст С-6524	2016-2018	28,8	10,3	127	4,9	35,7
			-7,3	-2,4	1	-0,8	0,6
18	Кўштепа НСС ст С-6524	2016-2018	37,4	13,8	127	4,7	37,1
			-0,3	0,9	-1	0,1	2,9
	ст Андижон-35	2017	33,4	11,2	121	4,3	33,5
			-2,7	-0,8	-3	-0,0	0,4
19	Бешариқ НСУ ст Наманган-77	2015	43,4	14,6	119	7,0	33,6
			4,4	0,8	3	0,2	-1,6
	ст С-6524	2016- 2017	33,8	11,5	120	6,0	34,1
			-2,0	-0,8	1	0,3	-0,3
20	Боғдод НСУ ст С-6524	2015-2017	36,2	12,5	122	4,3	34,5
			-1,1	-0,3	3	0,3	0,1
21	Фарғона НСУ ст С-6524	2015,17- 2018	38,4	13,6	123	5,5	35,6
			-1,1	0,0	2	0,2	0,5
22	Хива НСС ст Хоразм-127	2015-2017	30,5	10,0	130	5,3	32,9
			2,9	1,2	2	0,0	1,5
23	Гурлан НСУ ст Хоразм-127	2015-2017	29,3	10,5	128	5,1	35,7
			3,1	2,3	2	0,1	0,1

Чимбой тажриба участкасида “Хурма” нави назорат “Чимбой 5018” навига нисбатан 8,8 ц/га юқори эканлиги кузатилган бўлса, Бешариқ тажриба участкасида эса назорат нав “Наманган – 77” навига нисбатан 4,4 ц/га юқори ҳосил бериши аниқланди. Гурлан, Хива ва Пахтакор тажриба участкаларида “Хурма” навининг ҳосилдорлиги нисбатан ўзаро тенг бўлиб, ушбу кўрсаткич мос равишда 3,1 ц/га, 2,9 ц/га ва 2,6 ни ташкил қилди. Жиззах, Эллиққалъа тажриба станциясида “Хурма” навининг ҳосилдорлиги 1,9 ц/га ва 1,8 ц/га эканлиги аниқланди. Мингбулоқ ва Боёвут тажриба станцияларидан олинган

натижалар Гурлан ва Хива тажриба станциялари билан таққосланганда нисбатан пастроқ эканлиги кузатилиб, мос равишда 0,8 ц/га ва 0,7 ц/га ни ташкил қилди. Бу ҳолатни “Хурма” навини Хоразм тупроқ-иқлим шароитларида яратилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ҳосилдорликдаги толанинг масса улуши бўйича Гурлан, Пахтакор ва Эллиққалъа тажриба участкаларида “Хурма” нави назорат навларга нисбатан юқори эканлиги аниқланди ва тегишли равишда 2,3%, 2,0% ва 1,9% ни ташкил қилди. Хива, Жиззах, Қўштепа ва Бешариқ тажриба участкаларида эса ушбу кўрсаткичлар назорат навларга нисбатан 1,2%, 1,1%, 0,9% ва 0,8% эканлиги аниқланди. Боёвут тажриба участкасида “Хурма” нави бўйича ҳосилдорликдаги толанинг масса улуши назорат “Султон” навига нисбатан 0,3%, С-6524 навига нисбатан эса 0,2% га юқори эканлиги кузатилди. Лекин, Хатирчи, Мингбулоқ ва Фарғона тажриба участкаларида эса ушбу кўрсаткичлар назорат навлар билан тенг эканлиги аниқланди.

Бир дона кўсақдаги пахта оғирлиги бўйича олинган маълумотлар қиёсий солиштирилиб кўрилганда ҳам бир мунча нисбий фарқлар кузатилди. Жумладан, Эллиққалъа ва Оқолтин тажриба участкаларида “Хурма” навининг бир дона кўсақдаги пахта оғирлиги назорат навларга нисбатан юқори эканлиги аниқланиб ўртача 1,9 г ва 1,0 г ни ташкил қилди. Бағдод, Фарғона, Бешариқ, Жиззах, Мингбулоқ, Гурлан ва Қўштепа тажриба участкаларида “Хурма” навининг бир дона кўсақдаги пахта оғирлиги назорат навлардан унча фарқ қилмади, яъни ўртача 0,3 г, 0,2 г ва 0,1 г эканлиги кузатилди.

Қўштепа, Пахтакор, Денов ва Боёвут тажриба участкаларида “Хурма” навининг тола чиқими бўйича кўрсаткичлари назорат навларга нисбатан анча юқори эканлиги кузатилди ва тегишли равишда 2,9%, 2,6%, 2,1% ва 1,9% ни ташкил қилди. Хива, Эллиққалъа, Жиззах, Хатирчи ва Уйчи тажриба станцияларида эса ушбу кўрсаткичлар мос равишда 1,5%, 1,4%, 1,2% ва 1,1% бўлиб, назорат навларга нисбатан юқори эканлиги аниқланди. Оқолтин, Чимбой, Самарқанд, Пискент, Фарғона тажриба участкаларида “Хурма” навининг тола чиқими бўйича кўрсаткичлари назорат навларга нисбатан юқори эканлиги аниқланди ва мос равишда 0,9%, 0,8%, 0,6%, 0,5% эканлиги кузатилди. Лекин, Шеробод, Миришкор ва Гурлан тажриба станцияларидаги кузатувларда “Хурма” навининг тола чиқими бўйича кўрсаткичлари назорат навлар билан қиёсий солиштирилганда нисбий фарқлар унча кузатилмади ва ўртача 0,3%, 0,2% ва 0,1% ни ташкил қилди.

“Хурма” нави Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази нинг якуний хулосасига асосан Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 29-декабрдаги 125-сон буйруғи билан Хоразм вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудлари бўйича истиқболли нав деб топилди ва экишга тавсия этилди.

ХУЛОСАЛАР

“Хоразм вилоятининг экстремал тупроқ-иқлим шароитларига мос истиқболли “Хурма” ғўза навини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш”

мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Урганч тумани “Фаррух” фермер хўжалигида “Хурма” навининг ҳосилдорлиги 2016-2018 йилларда назорат нави “Хоразм-127” билан солиштириб ўрганилганда ўртача 3,1 ц/га юқори бўлиб, ўртача ҳосилдорлик 39,1 ц/га, Ҳонқа туманидаги “Солай Якубов” фермер хўжалигида мос равишда 2,9 ц/га юқори, ҳосилдорлик ўртача 38,8 ц/га эканлиги кузатилди.

2. Бир кўсакдаги пахта оғирлиги бўйича ўртача 6,2-6,4 граммни ташкил қилиб, назорат навиға нисбатан ўртача 0,4-0,7 граммга юқори эканлиги аниқланди.

3. 1000 дона чигит вазни бўйича ўртача 122-126 грамм бўлиб, назорат навиға нисбатан 8-11 граммга юқори кўрсаткичға эға бўлди.

4. Тола узунлиги кўрсаткичи 2016-2018 йиллар давомида солиштириб ўрганилганда “Хурма” навида 33,3-35,1 мм атрофида бўлиб, уч йил бўйича ўртача 34,0 мм ни ташкил қилди. Шу билан бирға тола чиқими ўртача 40,5% бўлиб, назорат навидан 2,1% га юқори эканлиги аниқланди.

5. “Хурма” нави толасининг технологик сифат кўрсаткичлари НVI тизимида таққослаб ўрганилганда микронейри 4,8, юқори ўртача узунлик миқдори 28,2 мм., солиштира узилиш кучи 29,9 гк/текс., бирхиллик индекси 83,7 %, нур қайтариш коэффициенти 81,7 %, сарғишлик даражаси 8,4 ни ташкил қилди.

6. “Хурма” нави Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ-иқлим шароитларига мослиги, қўшқатор экишға қулай бўлганлиги сабабли мазкур ҳудудларда жорий этилган ғўза етиштирувчи кластер корхоналарининг кенг майдонларида экиш тавсия қилинади.

Эълон қилинган ишлар рўйхати:

1. Ражабов З., Азимов А., Абдурахимов У. Қимматли хўжалик белгилари талабларига мувофиқ мосланувчан янги ғўза навларини яратиш // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. - Хива, 2020, - №12. - Б. 127-128.
2. Ражабов З., Жуманиязов Ф., Абдурахимов У. Хозяйственно-ценные признаки новых сортов и линий хлопчатника // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. - Хива, 2021, - №1. - С 140-141.
3. Ражабов З. Хоразм вилояти тупроқ-иқлими шароитида янги ғўза навларининг ўсиши ва ривожланиши ҳамда қимматли хўжалик белгилари // Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси. - Хива, 2021, - № 4. - Б. 73-75.
4. Ражабов З. Селекционная ценность новых сортов хлопчатника // “Инновационное развитие науки и образования” международная конференция. - Павлодар, Казахстан 2021 г. - С. 8-9.
5. Ражабов З. Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитида янги, истиқболли “Хурма” ғўза навининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги // “Генетика, геномика ва биотехнологиянинг замонавий муаммолари” республика илмий анжуманининг тезислар тўплами. - Ташкент, 2021. - Б 244-246.

O'SIMLIKLAR NAVIGA
PATENT
ПАТЕНТ НА СОРТ РАСТЕНИЯ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI
INTELLEKTUAL MULK AGENTLIGI
АГЕНТСТВО ПО ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНОЙ СОБСТВЕННОСТИ
ПРИ МИНИСТЕРСТВЕ ЮСТИЦИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

O'SIMLIK NAVIGA PATENT № NAP 00261
ПАТЕНТ НА СОРТ РАСТЕНИЯ

Ushbu patent O'zbekiston Respublikasining
"Seleksiya yutuqlari to'g'risida"gi Qonuniga asosan
quyidagi o'simlik naviga berildi:

Настоящий патент выдан на основании Закона
Республики Узбекистан «О селекционных
достижениях», на следующий сорт растения:

«Хурма» гўза нави
Сорт хлопчатника «Хурма»

Talabnoma kelib tushgan sana:
Дата поступления заявки: **18.11.2016**

Talabnoma raqami:
Номер заявки: **NAP 2016 0015**

Ustavorlik sanasi:
Дата приоритета: **18.11.2016**

Patent egasi (egalari):
Патентообладатель(и): **Хоразм Маъмун академияси, UZ**
Хорезмская академия Маъмуна, UZ

O'simlik navi muallif(lar)i:
Автор(ы) сорта растения: **Аккужин Дамир Анварович, Эшчанов Рўзимбой Абдуллаевич,**
Кадиров Шавкат Юлдашевич, Ражабов Зокир Пулатович,
Жуманиязов Фарход Кадамович, Абдурахимов Уморбек
Курбанбаевич, UZ

Patent O'zbekiston Respublikasining barcha hududida 10.01.2020 yildan
patentni kuchda saqlab turish uchun boj o'z vaqtida to'langandagina 20 yil
mobyaynida amal qiladi.
O'zbekiston Respublikasi o'simlik navlari davlat reestrída 10.01.2020 yilda
Toshkent shahrida ro'yxatdan o'tkazilgan.

Патент действует на всей территории Республики Узбекистан в течение 20
лет с 10.01.2020 г. при условии своевременной уплаты пошлины за
поддержание в действии.
Зарегистрирован в государственном реестре сортов растений Республики
Узбекистан, в г. Ташкенте, 10.01.2020 г.

Direktor
Директор

 **Т. Абдусаттаров**
 INTELLEKTUAL
MULK AGENTLIGI



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI HUZURIDAGI
INTELLEKTUAL MULK AGENTLIGI**

**AGENCY OF INTELLECTUAL PROPERTY
UNDER THE MINISTRY OF JUSTICE OF THE REPUBLIC
OF UZBEKISTAN**

100011, Toshkent shahri, Xadra ko'chasi, 33 uy.
Tel.: +998 (71) 232-50-50, Fax: +998 (71) 232-50-05, www.ima.uz, info@ima.uz, aip@exat.uz

2021 йил 19 январь 01-11/ 89 -сон

**Фуқаро: Ражабов Зокир
Пулатовичга**
Хоразм вилояти, Хива тумани,
Пирнахос МФЙ, Х.Болтаев 58-уй,
4-рақамли сектор

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлиги 2021 йил 5 январда Адлия вазирлигига pm.gov.uz веб-сайти орқали қилган (мурожаат тартиб рақами–817–r/21) мурожаатингиз юзасидан қуйидагиларни маълум қилади.

NAP 00261 рақами билан 2020 йил 10 январда ғўзанинг “Хурма” номли навига (муаллифлар: Аккужин Дамир Анварович, Эшчанов Рузимбой Абдуллаевич, Кадиров Шавкат Юлдашевич, Ражабов Зокир Пулатович, Жуманиязов Фарход Қадамович, Абдурахимов Уморбек Курбанбаевич) Ўзбекистон Республикаси патенти берилган ва ушбу патент 2022 йилнинг 10 январигача амал қилади.

Ушбу патент тўғрисидаги маълумотлар Агентликнинг 2010 йил 1-сон расмий ахборотномасида эълон қилинган.

Директор

Т. Абдусаттаров

Ижр.: Н.Нурматова
Тел: 71 232 20 30



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QISHLOQ XO'JALIGI VAZIRLIGI

100140, Toshkent viloyati, Qibray tumani, Universitet ko'chasi, 2-uy, tel.: (998-71) 260-48-73,
Ishonch telefoni: (998-71) 260-36-87, www.agro.uz, el.manzil: info@agro.uz, agro@exat.uz



2021 yil 27 mart № 02/020-1323

МАЪЛУМОТНОМА

Бугунги кунда кишлок хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги соҳасини илмий асосда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иклим шароитидан келиб чиқиб, экинларнинг янги, тезпишар ва ҳосилдорлиги юқори нав ва дуругайларни яратиш ва улар уруғчилигини кенг йўлга қўйиш бўйича қатор ижобий натижаларга эришилмоқда.

Хоразм Маъмун академияси мустақил тадқиқотчиси Ражабов Закир Пулатовичнинг “Хоразм вилоятининг экстремал тупроқ-иклим шароитларига мос истикболли “Хурма” ғўза навини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш” мавзусидаги 06.01.05-Селекция ва уруғчилик ихтисослигида кишлок хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) тадқиқотлари ушбу муҳим масалалар ечимига қаратилган, назарий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланиб, диссертация ҳимоясиз селекция ютуғи (ихтиро патенти) асосида ҳимоя қилиш тавсия этилади.

3.Ражабов томонидан Хоразм Маъмун академиясида ФА-А9-Т101 рақамли “Хоразм вилояти Хива тумани шароитида қимматли хўжалик белгиларига кўра ушбу ҳудудга мослашувчи, рақобатбардош ғўза навларини яратиш мақсадида селекция уруғчилик ишларини олиб бориш” мавзусидаги 2015-2017 йилларга мўлжалланган амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотлар мобайнида ғўзанинг янги “Хурма” навини яратиш бўйича илмий изланишлар амалга оширилган ва амалиётга жорий қилинган. Тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 67-сон буйруғига асосан ПСУЕАИТИ Хоразм илмий-тажриба станциясининг тажриба хўжалиги майдонларида ғўзанинг “Хурма” навининг уруғлик материалларини кўпайтириш учун 10 гектар майдонга экилган ва гектаридан ўртача 36,2 центнер ҳосил олишга эришилган.

Ушбу нав 2019 йилда Урганч туманидаги “Фаррух” фермер хўжалигининг 12,3 гектар майдонида экилиб, гектаридан ўртача 39,3 центнер ва 2020 йилда 8,2 гектар майдондан ўртача 38,9 центнер ҳосил олинган.

Шунингдек, 2019 йилда Хонқа туманидаги “Солай Якубов” уруғларни дастлабки кўпайтириш элита уруғчилик фермер хўжалигининг 3,1 гектар майдонидан ўртача 38,7 центнер ва 2020 йилда 3,5 гектар майдондан ўртача 39,0 центнер ҳосил олишга эришилган.

2019 йида Хива туманидаги “Хива Хурмат” фермер хўжалигининг 3,6 гектар ер майдонида гўзанинг “Хурма” нави экилиб, ўртача ҳосилдорлик 38,7 ц/га ни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда 3,3 гектар ер майдонда ўртача 38,7 ц/га ҳосил олинган ва иктисодий самарадорлик гектарига қўшимча 1 751 418 сўмни ташкил қилган.

2020 йилда ҳам мос равишда юкоридаги фермер хўжалиklarининг пахта майдонларида экилган ва гектарига ўртача 38,8 ц/га ҳосил олинган бўлиб, назорат навига нисбатан гектарига 3,4 центнер кўпроқ ҳосил олинган ва иктисодий самарадорлик гектарига қўшимча 1 654 117 сўмни ташкил қилган.

Гўзанинг “Хурма” нави вилоятнинг экстремал (шўрланиш, ер ости сувлари минераллашган, сув танқислиги, иссиқликка чидамли) шароитларига мослашган. Мазкур нав IV-типга мансуб бўлиб, саноатбоплиги билан жаҳон стандартлари талабларига жавоб беради. Тупи ихчам, шунинг учун қўшқатор усулда экиш яхши самара беради. Унинг ҳосилдорлиги назорат “Хоразм-127” навига нисбатан 3,0-3,5 ц/га юкори, тола сифати майинлиги тажрибаларда кузатилган.

Тадқиқотчи З.Ражабов томонидан ҳаммуалифликда яратилган гўзанинг “Хурма” нави Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий-техник фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3855-сон қарори асосида тижоратлаштирилиши лозим бўлган ишланмалар рўйхатига киритилган. Шунингдек, ушбу навга Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг патенти олинган (патент рақами: №NAP 00261. 10.01.2020 й.). Ўрта толали гўзанинг “Хурма” нави Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси учун истикболли навлар рўйхатига киритилган.

Вазирнинг биринчи
ўринбосари



Ш.Тешаев

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
FANLAR AKADEMIYASI**

Akad. Yahyo Gulomov ko'chasi, 70
Toshkent, 100047
Tel.: +998 71 2336847, 71 2335967
Faks: +998 71 2337482, 71 2335967
E-mail: academy@academy.uz
devonxona@academy.uz
www.academy.uz



**UZBEKISTAN ACADEMY
OF SCIENCES**

70, acad. Yahyo Gulamov Street
Tashkent, 100047
Phone: +998 71 2336847, 71 2335967
Fax: +998 71 2337482, 71 2335967
E-mail: academy@academy.uz
devonxona@academy.uz
www.academy.uz

2021 йил «20» январь

№ 4/1255- 149

МАЪЛУМОТНОМА

Хоразм Маъмун академияси эркин тадқиқотчиси Ражабов Закир Пулатовичнинг 06.01.05 – “Селекция ва уруғчилик” кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун “Хоразм вилоятининг экстремал тупроқ-иқлим шароитларига мос истикболли “Хурма” ғўза навини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш” мавзусидаги диссертация иши натижаларидан ЎзР ФА Хоразм Маъмун академиясида бажарилган (ФА-А9-Т101 “Хоразм вилояти Хива тумани шароитида кимматли хўжалик белгиларига кўра ушбу худудга мослашувчи, рақобатбардош ғўза навларини яратиш мақсадида селекция уруғчилик ишларини олиб бориш” 2015–2017 йй. раҳбар к-х.ф.н. Д.А.Аккужин) амалий лойиҳада:

– Ғўзанинг *G.hirsutum* L. туричи шакллари жуфт дурагайлаш услуби билан ажратиб олинган популяцияларда олиб борилган мақсадли қайта-қайта танлаш йўли орқали яратилган Л-15 тизмаси морфоҳўжалик белгилари кўрсаткичларининг авлодларда шаклланиши, барқарорлашувини ўрганишда;

– Ғўзанинг *G.hirsutum* L. туричи шакллари дурагайлаш орқали хўжалик учун кимматли белгилари кўрсаткичлари юқори бўлган истикболли тизмани яратиш ва уни нав даражасига етказишда;

– Ғўзанинг янги яратилган “Хурма” навига патент олишда;

– Янги яратилган ғўзанинг “Хурма” навини Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитида экилиб парваришланганида ҳосилдорлик кўрсаткичларининг намоён бўлиши жараёнларини ўрганиш ва таҳлил қилишда;

– Ғўзанинг янги “Хурма” навини Хоразм вилояти тупроқ-иқлим шароитида етиштириш ва кенг майдонларга экишга тавсия қилиш ва жорий этишда фойдаланилган.

Олинган хулосаларни қўлланиши лойиҳанинг илмий аҳамиятини ошириши билан бирга ғўзанинг истикболли “Хурма” навидан келгусида Хоразм вилоятининг тупроқ-иқлим шароитига мос, толасининг сифати ҳамда чиқими

юқори бўлган янги тизма ва навларни яратиш бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқотларда бошланғич ашёлар сифатида фойдаланиш ҳам мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3855-сон “Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори асосида тижоратлаштирилиши лозим бўлган ишланмалар рўйхатига киритилган янги истикболли “Хурма” ғўза нави ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

З.П.Ражабов мазкур лойиҳаларда иштирок этмаган.

Асос: ЎзР ФА Маъмун академиясининг 2021 йил 20 январдаги 25/1-21 хати.

Вице-президент



Б.Т. Ибрагимов



Ѓўзанинг янги истикболли “Хурма” нави





“INNOWEEK – 2018”



“INNOWEEK – 2019”